

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

• 2005-yil • 6-sentabr • Seshanba • 114 (27.449) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



ЎзХДП — хотин-қизларнинг мустақкам таянчи

Аёлни эъзозлаган — миллатни эъзозлайди

Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдонда қад ростлаган Эзгулик аркаси билан танишар экан, Юртбошимиз Исло Каримов майдон тўрида салобат тўқиб турган ер шари тисоли ва ундаги Ўзбекистон ҳаритасининг фон сифатида сақлаб бахтли аёл сиймосини акс эттириш керак, деган таклифни билдирди. Аёл бахтли бўлса оила бахтли, оила бахтли бўлса жамият бахтли, давлат бахтли бўлади, дея фикрини изоҳлади мамлакатимиз раҳбари.

Бу сўзлар замирида чуқур маъно бор. Зеро, жамият тараққийини, инсонпарварлигини кўп жиҳатдан аёлга муносабат, аёлга эътибор белгилайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аёлларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аниқ Дастуридан ҳам бу масалалар кенг ўрин олган. Партия аёллар, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, шаъни, қадр-қим-

мати алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбир «Ўзбекистон Халқ демократик партияси — аёлларнинг мустақкам таянчи» деб номланди. Пойтахтимиздаги муҳташам «Наврўз» ресторанида бўлиб ўтган ушбу байрам тадбирини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, Сенат аъзолари, партия Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар кенгаши ва шаҳардаги туман кенгашлари қошидаги аёллар шўбаслари аъзолари, Ўзбекистон Хотин қизлар кўмитаси масъул ходимлари, меҳнат фахрийлари, партия фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.



ВАТАН ОЛДИДАГИ ХИЗМАТЛАР ЮКСАК БАҲОЛАНГАНИ УЧУН ФАХРЛАНАМИЗ

Ўзбекистон мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари учун икки нафар ватандошимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Мамлакат мустақиллигини мустақамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли хиссаси учун Ватанимизнинг муносиб фарзандларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари ҳам анчагина. Улар иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жаҳаларидаги ишловларини амалга ошириш, мамлакатдаги демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга салмоқли хисса қўшдилар. Биз уларнинг аҳли ижтимоий заиф қатламлари манфаатларини ифодоловчи ва ҳимоя этувчи партияимиз бўйсини мустақамлашга хизмат қилдиган фидокорона меҳнатлари юксак баҳоланганлиги билан фахрланамиз.

Юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган барча ҳаюмюрларимизни биз чин дилдан самимий табриклар эканимиз, уларнинг халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз гуллаб-яшнашига қаратилган савий-ҳаракатлари муваффақиятли бўлишини тилаймиз!

Беҳшод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Суратларда:
тадбирдан лавҳалар.
Шавқат АКАМОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ихрония кўмитаси ҳайъати

ЎзХДП ЯНГИ ДАСТУРИНИНГ БОШ ШИОРИ: ИШ ВА ФАРОВОНЛИК — БАРЧА УЧУН!

БАНДЛИК МУАММОСИ

Ёхуд шу ҳақда, шу мавзуда ўйлар, мулоҳазалар

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг шу йил 2 июль куни бўлиб ўтган қурултойида партиянинг қуйидаги позицияси диққатимизни тортди.

«...Партия меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш тарафдоридир... Бандлик муаммолари бозор, талаб ва тақлиф қонунлари билан боғлиқ бўлса-да, бунда ишсизликнинг бўлиши муқаррар эмас. Шуниси муҳимки, ишни йўқотиб қўйиш фожиага айланмасин, одамлар келажакка, истиқболга ишончларини йўқотмасинлар... Партияимизнинг бу масаладаги бош шiori: Иш ва фаровонлик — барча учун!»

Бу сатрлар маъно-мазмунини Юртбошимиз асарларининг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» номли 3-томига кирган (Тошкент, 1996 йил) «Келажаққа қатъий ишонч би-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати билан мамлакатимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини замонавий асосда ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қўшган катта хиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»

Адамбаев Тўрабой Жуманиёзович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Хоразмтелеком» филиалининг электромонтёри
Избосаров Ағзам Фахриддинович — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга катта хисса қўшгани, телекоммуникация тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш ва шунинг технологияларни шу жумладан, шифа толали кабеллари жорий этишда улкан ютуқларга эришгани, миллиятлараро ўстаник ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш ҳамда жамоат ишдаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Боймуродов Ғуломжон Олимович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 4-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг муҳандиси

Болтаев Маҳмаёқуб Раҳматович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг кабелчи-пайвандчиси

Мадаминов Жўраҳон — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг электромонтёри
Ҳакимов Маманазир Нозимович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Намангантелеком» филиалининг электромонтёри

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Антонова Наталья Борисовна — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг мутахассиси
Бозоров Самад Қувондиқович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қашқадарётелеком» филиалининг муҳандиси

Набиев Бахтиёр Авезович — Радиолоқа, радиоахборот ва телевидение маркази Олот радиотелевидение станциясининг алоқа монёри
Хамзин Алмас Анаварович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг мутахассиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураимов Ўлмас Абдукаримович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 1-линия кабелъ ишсозлари цехининг электромеханиги
Исмоилов Исоқ Исроилевич — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Бухоротелеком» филиалининг муҳандиси

Коланов Курманғали Молдағалиевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Миклима Генриэтта Матвеевна — «Алоқалойиҳа» масъулияти чекланган жамиятининг мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2005 йил 5 сентябрь.

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноби Олийлари!
Ўзбекистоннинг миллий байрам муносабати билан Сурия халқи ва шаҳсан ўз номидан Сизни ва дўст ўзбек халқини қутлашдан астойдил бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан соғлиқ ва бахт-саодат, ўзбек халқи эса доимий тараққийёт ва равнақ тилайман.
Эҳтиром ила,

Башар АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимизни изҳор қилиш бизга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бахт-саодат ва мустақкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқи эса бардавом тараққийёт ва равнақ тилаб қоламан.
Кобус бин САИД,
Уммон Султони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўнининг 14 йиллиги муносабати билан Сизга ҳамда ўзбек халқи Вьетнам халқи ва шаҳсан ўз номидан энг эзгу қутловларини йўлайман.

Ишончим комилки, Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги аънавий ва дўстона муносабатлар ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик кун сайин мустақамлашиб, ривожланиб бораверади. Ўзбекистон халқи равнақ топиб, бой-бадавлат ва бахтиёр бўлсин!

Сарпмурот НИЁЗОВ,
Туркменистон Президенти

Президент Жаноблари, Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак масъулиятли лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Чан Дик ЛИОНГ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,
Сизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик ва омонлик, ўзбек халқи эса тинчлик, тараққийёт ва равнақ тилайман.
Эҳтиром ила,

Сапармурот НИЁЗОВ,
Туркменистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич,
Сизни ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини миллий байрам — Мустақиллик кўни билан Қирғизистон халқи ва шаҳсан ўз номидан самимий муборакбод этаман.

Халқароимизни боғлаб турган қадимий илди-лар қардошларча ўзаро муносабатларимизнинг мустақкам асоси ҳисобланади. Ишончим комилки, ҳамкорлигимиз халқароимизнинг манфаатлари йўлида фақат мустақамлашиб, ривожланиб бораверади.

Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, чин қалбдан Сизга мустақкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча ўзбекистонликларга тинчлик, омонлик ва равнақ тилайман.
Эҳтиром ила,

Қурманбек БАКИЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Муборак туман партия кенгаши ташаббускорлигида тумандаги Тонг, Қончилар, Ёшлик маҳаллаларида байрам тадбирлари ташкил этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга байрам совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгашида семинар кенгаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгаши раиси Рашид Муртазаев янги Дастур ва партиянинг жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш борасидаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Мустақиллик байрами арафасида Оҳангарон туманидаги Янги ҳаёт ширкат ҳўжалигида янги ўзбек — турк тўқимачилик кўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда 150 нафардан ортиқ одам иш билан таъминланди. Яқин келажақда эса корхона қуввати янада оширилиб, унда ишловчилар сони 370 нафарга етди. Корхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Аслиддин Рустамов ва вилоят партия кенгаши раиси Сирожидин Аъзамов қатнашдилар.

ЎзХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг профилаторийсида ногирон болалар учун байрам дастури ва катта концерт ташкил этилди, уларга байрам совғалари топширилди. Тадбирнинг ўтказишида Халқ демократик партиясидан Тошкент вилоят Кенгаши депутати, корхона раҳбари Мухиддин Муродовнинг хиссаси катта бўлди.

Оҳангарон шаҳар Халқ таълими бўлими ходимларининг аънавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши раиси Аянон Акбаров иштирок этиб, ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш бўйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Ташаббускор, фаол эти нафар ўқитувчи шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгашида семинар кенгаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар партия кенгаши раиси Рашид Муртазаев янги Дастур ва партиянинг жамиятни демократлаштириш ҳамда янгилаш борасидаги вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Мустақиллик байрами арафасида Оҳангарон туманидаги Янги ҳаёт ширкат ҳўжалигида янги ўзбек — турк тўқимачилик кўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда 150 нафардан ортиқ одам иш билан таъминланди. Яқин келажақда эса корхона қуввати янада оширилиб, унда ишловчилар сони 370 нафарга етди. Корхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раиси Аслиддин Рустамов ва вилоят партия кенгаши раиси Сирожидин Аъзамов қатнашдилар.

ЎзХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг профилаторийсида ногирон болалар учун байрам дастури ва катта концерт ташкил этилди, уларга байрам совғалари топширилди. Тадбирнинг ўтказишида Халқ демократик партиясидан Тошкент вилоят Кенгаши депутати, корхона раҳбари Мухиддин Муродовнинг хиссаси катта бўлди.

Оҳангарон шаҳар Халқ таълими бўлими ходимларининг аънавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши раиси Аянон Акбаров иштирок этиб, ўқув-тарбия жараёнини яхшилаш бўйича тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Ташаббускор, фаол эти нафар ўқитувчи шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA NAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz
Хизматлар лицензияланган

«Шимолий Кавказ сурғундаги юртдошлар қисмати»да (муаллифлар: Р.Шамсутдинов ва А.Мамажонов) эса 1930 йил кўкмаида Шимолий Кавказ (Ставрополь ўلكиси)га сурғун қилинган 54 минг 973 кишининг тақдирини, улардан маълум бир қисмининг 1937 ва 1941-45 йилларда яна қайта қаттағон қилиниши билан боғлиқ фожиали воқеалар қаламга олинди.
Маъмуржон ҚИЁМОВ

**Ҳаёт йўлида
биринчи масала —
мактаб
масаласидир**

**Ўқиш мустақиллик
дарси билан
бошланди**

— дейди Тошкент туманидаги
Ғуломмаҳмуд Абдуллаев
номли ширкат ҳўжалиги
раиси Абдулазиз МАЖИДОВ

— Ҳўжалигимизда мактаб таълими ва уларнинг замонавий биналари қурилишига йил сайин катта эътибор берамиз, — дедим эъти у. — Қолаверса, Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони биз учун дастуриямал бўлди. Ташаббус — вилоят ва туман ҳокимлигидан, ихроси эса биздан бўлиб, худудимизда 340 ўринга ўйналган 21-ўрта умумтаълим мактаби биноси қурилиши барвақт тугаллади. 280 миллион сўмлик лойиҳа-смета ишлари бажарилган мазкур ўқув даргоҳида 2 сентябрь кўни фарзандларимиз илк мустақиллик дарсини бошладилар. Шуниси қувончлики мактаб қурилиши бора-йўри 80 кунда амалга оширибди. Илгари бир ерда 2 гектардан зиёд ташландик майдон бор эди, холос...

Раиснинг фахрланганича бор. Билим даргоҳига барча турдаги ўқув жиҳозлари келтирилди. Ҳўжалик жамоаси 4 донга, туман халқ таълими бўлими 14 донга замонавий компьютерлар ажратди. Лингфон хоналари, лабораториялар, махсус синф хоналар ва ёпиқ спорт зали ҳамда шинамига стадион жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди.

Бугина эмас, ҳўжалик худудидаги яна бир мактаб ҳам бу йил тўла таълимдан чиқарилди.

— Буларнинг ҳаммасига ҳўжалик тармоқларидан олинган миллионлар эвазига эришдик, — дея сўзини якунлади раис. — Яқинда 80 ўринли қишлоқ врачлик пунктини ҳам ишга тушириш арафасидамиз. Демак, ҳўжалигимизнинг 174 та хонадонларида истиқомат қилаётган 12 минг нафардан ортиқ аҳоли мактабларимиз сабабини қишлоқ врачлик пункти хизматидан баҳраманд бўлишди.

Соҳибжон САЛИМОВ

Қонун барчага баробар

Жиноятчилик ҳақида сўз юришти қанчалик оғир бўлса, аёллар томонидан содир этилган турфа қилмишлар хусусида гап айтмоқ ундан-да мушкулроқ. Тўғри, қонунчилигимизда аёлларнинг ҳуқуқий ҳимояси масаласи алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ҳаётда адашиб, жиноят содир этган хотин-қизларга нисбатан жазо белгилашда қатор енгилликлар мавжуд. Қолаверса, Президентимиз томонидан қабул қилинган Амнистия тўғрисидаги фармонларда жиноят содир этган аёлларни жазо мудо-

содир этилган жиноятлар 2081 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда бу рақам 2674 тага етган. Мазкур жиноятларнинг 35 таси қотиллик, 190 таси ўғирлик, 25 таси босқинчилик, 480 таси фирибгарлик билан боғлиқ қилмишлардир.

Фуқаро Т.Абдуллаева таниши Бозоров билан гапни «бир жойга» қўйиб, ўзини «Рустам» деб таништирган шахсга собиқ турмуш ўртоғи ва унинг аёлини ўлдириши, эвазига 250.000 сўм беришини айтди. Бироқ бу хом хаёл ниҳоясига етмади. Негаки,

Хўш, ушбу жиноят содир этилиши Файзиевнинг одамни сеҳрлагудек қувватга эга бўлган айёрлигига бориб тақаладими ёки «чў» тушган одамларнинг содда-гўллигигами? Бизнингча, иккинчиси ҳақиқатга яқинроқ. Негаки, Америкага бориш — қўшни вилоятга чиқиб келиш эмас. Бунинг ўзига яраша тартиби бор ва улар қонун ва қонун ости ҳўжатларда белгилаб қўйилган. Иккинчидан, бировни океан ортига юборишга унча-мунча амалдорнинг қуввати етмайди-ю қилар ишининг тайини бўлмаган охира бун қандай удаллаши мумкин, деган фикр наҳот жабрланувчилар ҳаёлидан ўтмаган бўлса? Ни-

Хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг аксарияти фақат биргина ҳуқуқий билимсизлик, қилаётган ишининг оқибатини теран идрок этмаслик каби сабабларга бориб тақалмайди. Балки турли даражадаги иқтисодий етишмовчилик, оилавий можаролар ва бошқа омиллар ҳам қайсидир маънода уларни жиноят содир этишига туртки бўлаётганидан ҳам кўз юмиш керак эмас. Бундай ноҳўш ҳолатларни бартараф этиш доимо долзарб масалалар сирасига киришини назарда тутиб, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда қўйидагиларга жиддий эътибор бермоқ лозим. Яъни хотин-қизларнинг ҳуқуқий савиясини замон талаблари даражасида ошириб бориш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар мавсумий аҳамият касб этиб қолмаслиги керак. Шунингдек, хотин-қизлар қўмиталари ва маҳалла фуқаролари йиғини ҳамда ички ишлар бўлимлари томонидан иқтисодий нозоратга олиб, уларга хос муаммоларни бартараф этишга амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунлар ихроси устидан қаттиқ нозорат ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, жазони ўтаб келган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни янги ҳаётга қўйишга доир масалаларга эътиборни янада кўчатиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил бўлган хотин-қизлар билан ўтказилаётган профилактик тадбирларнинг самарали механизми устида жиддий бош қотирмоқ долзарб вазифалар сирасига кириди. Қайд этилган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва амалиётга жорий этилиши фақат мўайян идора ёки ташкилотлар зиммасига юклаб қўйиш керак эмас. Бу барчамизга тааллуқли иш. Зеро, қора курсида ўтирган охира кимгадир — она, кимгадир — сингил, кимгадир — фарзанд, кимгадир — ёр эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Светлана Ортиқова,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
Бўлими бошлиғи, одлия
маслаҳатчиси**

**НЕГА АЁЛ
ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ?**

**ЁХУД ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН
ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБ-ОҚИБАТЛАРИ ҲАҚИДА**

датини қисқартириш, озоод этиш масаласи алоҳида қайд этилади.

Айрим хотин-қизларимиз томонидан амалдаги қонун талабларини бузиш, ҳуқуқбузарлик, турфа жиноятларга қўл уриш ҳолатлари афсуски кам бўлса-да ҳамон учраб турибди. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган 2004 йилда жами 79.150 та жиноятнинг 8464 таси хотин-қизлар томонидан содир этилган. Хусусан, ўтган йили 82 та қасддан одам ўлдириш, 15 та ҳолатда одам ўлдиришга ҳаракат қилиш, 16 та ҳолатда портловчи модда ва қурол-яроғларни тайёрлаш ва эгаллаш билан боғлиқ бўлган жиноятларга қўл урилгани, шунингдек, 632 та ўғирлик, 738 та гиёҳвандлик, 125 та қасддан баданга оғир жароҳат етказиш, 703та безорилликка оид жиноятларнинг сабабчиси аёллар экани ташвишланарли ҳол. Ушбу жиноятларни содир этганларнинг 176 нафари эса вояга етмаган қизлардир.

Таҳлиллар Тошкент шаҳри бўйича хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда: 2003 йилда аёллар томонидан

ихроси — «Рустам» аслида ИИБ ходими бўлиб, иш чапласига кетди. Натияжада, буортмачилар далилий ашё билан қўлга олинадилар. Масалала ҳуқуқий баҳо берилиши судга қолдирилди-да, унинг маънавий-ахлоқий томонларига эътибор қаратайлик.


Қарс икки кўлдан чиқади. Абдуллаевнинг собиқ турмуш ўртоғини жиҳсонан йўқ қилиш ҳаракатига тушиб қолмиш факулда қабул қилинадиган қарор эмас. Бундай муҳим ният тугилишига биргаликда турмуш кечирган пайтлариди аҳвол, нотинч турмуш ва унинг кўп ўтмай барбод бўлиши сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, бузилган турмушдан сўнг аёлининг тортиган изтироблари, ёлғизлик, собиқ эрининг ўзига бўлган соғув салбий муносабати балки уни жиноят кўчасига бошлагандир.

Мулоҳаза юришти учун яна битта жиноят иш мазмунини билан танишасан. Тошкентлик Г.Файзиева айрим фуқаролар ишончига кириди. Америкага юбориш учун виза тўғрिलाб бериш ҳамда автомашиналарни расмийлантиришда ёрдам беришини ваъда қилиб, салкам 60 минг АКШ долларини «гум» қилади.

ҳўят, эътибор берсангиз Файзиева уммон ортига жўнатишдан ташқари «...автомашиналарни расмийлантиришни» ҳам ваъда қилиб, одамларни алдаган. Наҳотки, қонун йўли билан олинаётган машинани расмийлантириш шу даражада мураккаб ишки, унга «хашарчи» ёллаш керак бўлса? Албатта, йўқ! Бундан қўринадилар, автомашиналарни расмийлантиришда қонундан четлаб ўтиш керак бўлган, «ҳўжатбарор» шунинг учун излаб топилган.

Демак, мазкур жиноят содир этилиши сабабларини фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводсизлигидан қидириш мантиқан тўғридир. Ахир ҳуқуқий маданият етарли бўлганида Файзиевага ўшаган учарнинг йиллар давомида кенг «фаолият» юриштишга имкон берилмаган, қўшқўлаб даста-даста «қўки» тутказиб қўйилган бўлар эди.

Биз юқориди мулоҳазалар билан жинсий жавобгарликка тортилган аёлларнинг қилмишларини хаспўлаб, бор айбини жабрланувчилар гарданига ағдараётганимиз йўқ. Аксинча, фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яши билса, таниш-билишларини эмас, қонунни ўзига қурол қилса, турфа кўнгликчиликларга дучор бўлмасмиди, демоқчимиз холос.



ТЕЛЕДЕБАТ

Германия канцлери Герхард Шрёдер ва унинг яқинлашаётган сайловдаги сиёсий рақиб Ангела Меркель теледебат ўтказишди.

Гап шундаки, икки ҳафтадан кейин Германияда сайлов бўлиб ўтади. Бу теледебатлар сайловчиларга канцлерликка даъвогарлик қилаётган икки номзоднинг фикрини билиш имконини берди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижасида гўлибликни насроний демократлар номзоди Ангела Меркель қўлга киритган. Аммо қузатувчилар оммавий ахборот воситаларига ўзини яхши томондан кўрсатишда устаси фаранг бўлган Герхард Шрёдер галаба қилиши мумкинлигини назардан қочирмаган йўқ.

Теледебатлардан олдин 65 фоиз аҳоли сайловда амалдаги канцлер, яъни Герхард Шрёдер галаба қилади деб ҳисоблагани маълум бўлди.

**ШАРҚ ҚИЗИ
ТАНЛОВ ҒОЛИБИ**

Ўзбекистон пойтахти Тошкентда афгон муҳожирлари оиласида таваллуд топган Хаммаси Кўҳистони Мисс Англия танлови ғолиби бўлди. У муслмонлар орасида Англиянинг энг чиройли қизи унвонига сазовор бўлган биринчи қиздир.

18 ёшли Хаммаси Кўҳистони шу йил декабрда Хитойда ўтказилаётган «Дунё гўзали» танловига иштирок этади.

Олти тилда, шу жумладан рус ва форс тилларида сўзлаша оладиган бу қоракўз қиз 39 нафар рақибидан устун келди.

— Исмимни гўлиб сифатида эълон қилишганда, аввал нотўғри эшитдим деб ўйладим, — дейди Хаммаси Кўҳистони. — Танловда гўлиб чиқдим ва бу Шарқ қизларининг охириги галабаси бўлмайдиган умиддаман.

Талаба қизга ҳинд киноларидан бирида иштирок этиш таклифи ҳам тушди.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Бортида 109 киши бўлган Индонезия йўловчи самолёти Суматра оролида ҳалокатга учради. Mandala Airlines авиакомпаниясига қарашли самолёт Медан шаҳридаги аҳоли гузар жойлари бири устига қулаб тушган. Жакартага йўл олган «Боинг-737» русумидаги самолётда парвоз пайтида ёнғин чиқди. Самолёт қулаши оқибатида 60 одам ҳалок бўлди.

**СУД КУНИ
БЕЛГИЛАНДИ**

Ироқ ҳукуматининг расмий вакили мамлакатнинг собиқ раҳбари Садам Ҳусайн устидан суд жараёни 19 октябрда бошланишини маълум қилди.

Садам Ҳусайн билан биргаликда унинг бир неча энг яқин ёрдамчилари ҳам судда жавобгарликка тортилади. Улар 1982 йилда Боғдод шимолида жойлашган Дўжаил шаҳрида шия мазахбига мансуб 143 нафар кишини ўлдирилишида айбланмоқда.

Садам Ҳусайннинг Уммонда яшаётган қизи Рағад Ҳусайн отасини ҳимоя қилиш учун сафарбар қилинган 1500 та юристининг бўшатилишини маълум қилди. Унинг фикрича, ҳуқуқшунослар бир-бирига зид бўлган маслаҳатлар беришмоқда. Шунингдек, Рағад Ҳусайн энди унинг отасини халқаро адвокатлар қўмитаси ҳимоя қилишини ҳам айтиб ўтди.

**ЖАНГАРИЛАРГА
ҚАРШИ
АМАЛИЁТ**

Саудия Арабистони ҳукуматининг расмий маълумотига қўра, мамлакатда икки нафар жангарий ўлдирилди.

Жангарилар мамлакат ҳавфсизлик қўчларининг ўтказган рейди давомида бартараф этилди. Гувохлар рейд отишма билан тугаллигини айтишган.

2003 йилдан буюн Саудия Арабистонида асосан Фарб мамлакатлари фуқароларига қарши ҳўрезлиқлар амалга оширилиши кескин кўпайиб кетди. Шу боисдан ҳукумат террорчи гуруҳларга қарши кураш бошлади. Ҳукумат томонидан олиб бориладиган амалиётлар натижасида ўтган икки йил мобайнида 100 дан зиёд жангари ва 140дан ортиқ тинч аҳоли ҳалок бўлди.

Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида» китобини тайёрлаб, нашр этди.

Китобда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш ҳамда мамлакатни модернизациялаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор ғоя ва йўналишлари жаҳон тажрибаси ва истиклол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар асосида атрофлича шарҳланиб, мамлакат тараққиётининг бугунги босқичида Юртбошимиз белгилаб берган вазифаларни амалиётга татбиқ қилиш йўллари баён этилган. Мазкур китоб илмий муассасалар, ҳокимлик, вазирлик, давлат қўмиталари, агентликлар, жамоат ташкилотлари бошқарув бўғини раҳбар ҳодим ва мутахассисларига мўлжалланган.

Китобга буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.

Шунингдек, «Миллий истиклол ғояси» туркумида «Кучли давлатдан - кучли жамият сари», «Ўзбекистонда ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилининг амалга оширилиши», «Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти», «Эркин иқтисодиёт тамойиллари», «Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари», «Судларнинг янги мақоми» каби жами 18 номда рисоалар нашр этилди. Рисоаларда Ўзбекистонда давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш борасида ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми - тадрижийлик ва босқичма-босқичлик тамойилининг моҳияти миллий истиклол ғояси асосида баҳоланган ҳамда янгича ёндашув, ғоя ва қарашлар мажмуи сифатида талқин этилган. Рисола ҳокимликлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, илмий муассасалар, жамоат ташкилотлари раҳбар ҳодим ва мутахассислари ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Мазкур рисоаларга буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.

Advertisement for the Academy of State and Society Building. It features several book covers with titles in Uzbek: 'Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида', 'Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти', 'Эркин иқтисодиёт тамойиллари', 'Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари', 'Кучли давлатдан - кучли жамият сари'. The advertisement includes contact information for the Academy: 'Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45. Қўшимча маълумот учун телефон. 132-60-57; 132-61-22; 132-60-76. Факс: 139-17-83'. The logo of the Academy is also present.

